

Мустафакулов Шерзод Игамбердиевич – Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси Малака ошириш факультети декани, и.ф.н., доцент.

Қисқача аннотация. Ушбу мақолада худуднинг ижтимоий-иктисодий салоҳиятини аниқлашда фойдаланилаётган миллий ва худудий бойлик таснифи очиб берилган. Миллий бойлик таркибига кирувчи активлар классификация назарий-услубий жиҳатдан ёритилган. Шунингдек, мақоладан асосий капиталдан фойдаланиш ва унга йўналтирилаётган инвестицияларнинг йиллар бўйича ва худудий кесимдаги таҳлиллари ўрин олган. Асосий капитал тушунчаси ва унинг истилоҳига тегишли бўлган услубий ёндашувлар изоҳланган, муаллифлик таърифи келтирилган. Чунончи асосий капиталга йўналтирилган инвестицияларнинг ҳажми ва худудда яратилган бойлик ўртасидаги боғлиқликнинг мавжудлиги бўйича мулоҳазалар шакллантирилган, уларнинг ҳозирги ҳолати бўйича таққослама таҳлиллар амалга оширилган.

Таянч сўзлар. Миллий даромад. Худуднинг иқтисодий салоҳияти. Миллий бойлик. Худудий бойлик. Миллий бойлик таркибига киритилган активлар классификацияси. Миллий ҳисоблар тизими. Асосий капитал. Асосий кариталдан фойдаланиш. Асосий фондларнинг тақрор ишлаб чиқарилиши. Асосий фонларнинг баланси. Ялпи худудий маҳсулот. Асосий капиталга йўналтирилган инвестициялар.

Short abstract. This article is devoted to the classification of national and regional wealth used in determining social and economic potential of the region. Classification of assets comprising the national welfare has been considered from the theoretical and methodological points of view. Moreover, the article represents the concept of the fixed assets and its methodological approaches as well as the author's interpretation of this definition. In addition, this scientific article demonstrates the views of scientists on the interconnection of the investments allocated to fixed assets and the welfare created in the region and provides comparative analysis of their current state.

Keywords. National income. Economic potential of regions. National welfare. Regional welfare. Classification of assets entered in the structure of the national welfare. System of national accounts. Fixed capital. Use of fixed capital. Reproduction of basic funds. Balance of basic funds. Gross regional product. Investments allocated to fixed capital.

Худудий бойликдан фойдаланиш: уни ошириш билан бөглиқ бўлган инвестициявий омиллар таҳлили

Кириш

Мамлакатнинг иқтисодий ривожланишини таъминланишда худудларнинг ўрни, у ерда амалга оширилаётган комплекс тадбирлар, тадбиркорлик учун яратилган шароитлар ҳамда рақобатбардошликни таъминлашга хизмат қиласиган институционал тузилмаларнинг ривожланганлиги алоҳида касб этади. Ялпи худудий маҳсулотнинг йилдан-йилга ошиб бориши иқтисодиётда банд ахоли даромадининг ошишини, фирмалар фойдасининг ва давлат бюджетига тушаётган маблағларнинг кўпайишини таъминлайди.

Даромаднинг кўпайиши, ўз навбатида, товар ва хизматларга бўлган талабнинг ўсишига хизмат қиласиди. Худудларда яратилган бойлик мамлакат иқтисодиётининг ўсишига тўғридан-тўғри боғлиқлиги тадқиқотчи олимлар томонидан эконометрик таҳлиллар орқали исботлар берилган.

Миллий даромаднинг ахолини табиий ўсишига нисбатан юқорироқ даражада ўзгариши жон бошига тўғри келадиган даромаднинг кўпайишини таъминлайди. Бир томондан олганда, худудларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун яратиб берилаётган шарт-шароитлар, давлат томонидан олиб борилаётган иқтисодий сиёсатнинг адолатлилик принципи асосида олиб борилиши, шунингдек, худудий инвестицион дастурларнинг тўғри ва самарали татбиқ этилиши иқтисодиётда янги иш ўринларининг кўпайишига ва жамиятда ижтимоий ривожланишнинг таъминланишига хизмат қиласиди.

Шунинг учун ҳам хукуматнинг худудларни ижтимоий-иктисодий ривожланишини таъминлашга қаратаётган иқтисодий сиёсати замирида мамлакатнинг иқтисодий ривожланишини таъминлаш, ахолининг фаровонлигини ошириш каби асосий мақсад ётади. Худудларда мавжуд бўлган иқтисодий ресурсларнинг (худудий бойлик) чекланганлиги туфайли ҳам ишлаб чиқариш имкониятларини оширишнинг энг самарали усули – ресурслардан оптималь фойдаланиш ва юқори технологияга асосланган қўшимча капитал ресурсларни сафарбар этишдан иборат.

Адабиётлар таҳлили

Мамлакатнинг иқтисодий салоҳияти, унинг мазмун-моҳияти ва амалиётда кўлланилиш соҳасини ўз илмий изланишларида очиб берган хорижий олимлар: Абалкин Л.И., Анчишкина В.Д., Андриянова В.Д., Задоя А.Н., Мочалова Б.М., Румянцева А.М., Сулашкина С.С. ва бошқалар. Шунингдек, тармоқларнинг иқтисодий салоҳияти деган тушунчани алоҳида иқтисодий субъект сифатида қараш лозимлигини келтирган ва ундан самарали фойдаланиш йўлларини илмий-услубий ва назарий-амалий тадқиқотларида баён этган олимлар: Авдеенко В.Н., Адамеску А.А., Андреев К.Е., Баяндурян Г.Л., Богомолова В.А., Шевченко И.В., Яковлев В.М. ва бошқалар. Мамлакатнинг иқтисодий салоҳиятини баҳолаш ва худудларнинг иқтисодий ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ҳисоблаш бўйича ўқув ва илмий-услубий изланишларини чоп этган олимлар: Аганбегян А.Г.,

Анимица Е.Г., Гранберг А.Г.. Исаев Э.А., Нестеров В.П., Хоффман Г.С. ва бошқалар.

Худудларнинг иқтисодий салоҳиятини шу худудларда мавжуд бўлган ресурслар орқали баҳо бериш ҳамда худудларнинг салоҳиятидан фойдаланишда мавжуд бўлган иқтисодий-институционал, ахборот-таҳлил мухитининг таъсир кўрсатиши бўйича ўзининг замонавий қарашларини баён этиб келаётган ва бу борада бир қанча усул ва услубларни ишлаб чиқсан олимлар: Бильчак В.С., Дармилова Д.Ж., Бармин Д.А., Беркалиев Т.Н., Блеха Ю., Гетца У., Крушвица Л., Фабоцци Ф.Дж. ва бошқалар.

Маълумки, иқтисодиёт бўйича яратилган адабиётларда “иқтисодий салоҳият” тушунчаси таянч категория сифатида келтирилмаган шунингдек, хўжаликнинг ривожланиши ва иқтисодиётнинг мувозанатлилигини таъминлашда омил (ишлаб чиқариш ресурси) сифатида ҳам қаралмаган. Аммо, салоҳият тушунчаси иқтисодий муносабатларда ва, айниқса, ишлаб чиқариш жараёнида билвосита иқтисодий омил сифатида иштирок этади. Классик иқтисодиёт назариясида ишлаб чиқариш омиллари сифатида фақат ишлаб чиқариш жараёнида иштирок этадиган ва ишлаб чиқариш ҳажмига боғлиқ бўлган омиллар, яъни ер, меҳнат ва капитал қаралган.

“Потенциал”¹ термини илк маротаба ўтган асрда ишлаб чиқариш кучлари даражасига мажмуавий баҳо беришда қўлланилган. В.И.Вейц, К.Г.Воблий томонидан “ишлаб чиқариш кучлари потенциали” атамаси дастлаб ахолининг эҳтиёжини қондириш учун ишлаб чиқарилаётган моддий неъматларни мамлакатнинг потенциал имконияти сифатида қўлланилган. “Иқтисодий потенциал” тушунчаси С.Г.Струмилин томонидан истеъмолга киритилган бўлиб, бунда олим иқтисодий потенциални ялпи ишлаб чиқариш кучлари ва жамиятнинг барча меҳнатга қобилиятли ахолиси томонидан яратилган меҳнат, деб ифодалаган.

“Кенгайтирилган ишлаб чиқариш потенциали” ибораси эса, В.С.Немчинов томонидан истеъмолга киритилган ва бунда мамлакат ёки худуднинг иқтисодий ривожланишини таъминлаш миллий иқтисодиётда мавжуд бўлган ресурслар имкониятига боғлиқлиги² таъкидланади.

Иқтисодий адабиётларда “потенциал” тушунласига берилган таърифлар ва изоҳларни тўрт гурухга бўлиб ўрганиш мумкин³:

1. Иқтисодий потенциал халқ хўжалиги тармоқларининг ялпи имкониятлари сифатида. Бу ерда иқтисодий потенциалнинг ягона жиҳати сифатида унинг ишлаб чиқариш функцияси эканлигига ургу қаратилади.

2. Иқтисодий потенциал барча мавжуд ресурсларнинг борлиги сифатида (“инвестицион ресурслар”, “банклар сони” ва б.қ). Бунда корхоналар, худудлар ва жамият потенциали субъектлар фаолияти билан боғлиқ эканлиги ва улардан ажralмаганлигига устуворлик қаратилади.

¹ Потенциал сўзи лотин тилидаги “potential” сўзидан олинган бўлиб “куч” деган маънони англатади.

² Дурдыева Д.А. Оценка потенциала устойчивого социально-экономического развития региона. 2013. URL: http://dibase.ru/article/07112013_142069_durdueva.

³ Лапин Е.В. Экономический потенциал предприятия. – Сумы: ИТД «Университетская книга», 2002. – 310 с.

3. Иқтисодий потенциал хўжалик фаолиятида иштирок этадиган субъектлар ўртасидаги иқтисодий муносабатларнинг натижаси сифатида. Бу ерда “потенциал” атамаси мавжуд ҳолатда эришилган даражани изоҳлашда қўлланилади. Шунинг билан бирга, ривожланишнинг истиқболли имкониятларини тавсифлашда “потенциал имкониятлар”, “потенциал даражা” каби атамалардан ҳам кенг фойдаланилади⁴.

4. “Иқтисодий потенциал”, “халқ хўжалиги потенциали”, “миллий бойлик” атамалари бир хил тушунча сифатида эътироф этилганлиги. Халқ хўжалиги потенциали, миллий бойлик ва шунга ўхшаган атамалар хусусий характерга эга бўлиб, иқтисодий потенциалнинг моҳиятини англатишига эътибор қаратилади. Бунда давлат ресурслари миллий бойликнинг баҳоси орқали баҳоланиши ва бу иқтисодий потенциал билан айнан бир хиллик қасб этмаслигини, ҳудуднинг қиймат қўринишидаги жами ресурслари (бойликлари) эса иқтисодий потенциал дея баҳоланишига ургу қаратилади.

“Иқтисодий потенциал” категориясини изоҳлашга қаратилган илмий тадқиқотларда умумий тартиблар қуидагича мужассам этилган:

- миллий иқтисодиёт, жамият, минтақалар, маъмурий ҳудудлар, тармоқлар, корхоналарга нисбатан изоҳланиши;

- истеъмол товарларини ишлаб чиқариш учун мавжуд бўлган иқтисодий ресурсларнинг имкониятлари сифатида тадқиқ этилиши;

- иқтисодий ресурсларнинг микдорий ва сифатий жиҳатлари билан иқтисодий тизим ўртасидаги ўзаро боғлиқлик ва уларнинг ижтимоий, жамоавий ва шахсий эҳтиёжларни қондиришдаги имкониятлари кўринишида, “...аниқ мақсадларни амалга ошириш ва зарурий пайтларда уларни сафарбар этиш мумкин бўлган захиралар, манбалар эканлиги”⁵, ушбу ресурсларнинг потенциал имкониятларини амалга ошириш бўйича ташқи ва ички муҳит ўртасидаги алоқалар кўрсатиб берилган.

Бизнинг фикримизча, иқтисодий потенциал иқтисодий категория сифатида иқтисодий тизимнинг ҳолати ва имкониятларини аниқлайди ва юқори иқтисодий потенциални юзага келшини таъминлаш учун хизмат қиласи. Бунда муҳими фақат товар ва хизматларни ишлаб чиқариш эмас балки, уларнинг сифати, корхоналарнинг рақобатбардошлиги ва иқтисодий тизимнинг келажакда самарали фаолият юритишини ҳам эътиборга олиш зарур ҳисобланади. Щуков В.Н. фикрига кўра, “иқтисодий потенциал” иқтисодий муносабатларнинг ўлчови сифатида намоён бўлиб, миллий хўжалик, минтақа ва тармоқ ва корхоналарнинг ҳолатини баҳоловчи индикатор ҳисобланади⁶.

Тадқиқот методологияси

⁴ Акерман Е.Н., Михальчук А.А., Трифонов А.Ю. Факторный подход в построении экономического пространства региона // Вестник Том. гос. ун-та. Экономика. 2010. № 3(11). С.84-92.

⁵ Лапин Е.В. Экономический потенциал предприятия. – Сумы: ИТД «Университетская книга», 2002. – 310 с.

⁶ Щуков В.Н. Экономический потенциал регионов России и эффективность его использования: Учебное пособие. Иваново, 2002. URL: <http://www.dissers.ru/books/1/7251-1.php>.

Умум қабул қилинган нүктаи назарга кўра, айнан ҳудуднинг иқтисодий салоҳияти ва унинг имкониятлари у ерда мавжуд бўлган барча мажмуавий ресурслардан самарали фойдаланиш орқали ҳаётий зарур бўлган неъматларни ишлаб чиқариш билан белгиланади⁷. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, ҳудуднинг иқтисодий салоҳияти деганда у ерда мавжуд бўлган тизимий элементлар, яъни ишлаб чиқариш фондлари, меҳнат ресурслари назарда тутилади ва иқтисодий салоҳият эса маъурий-иктисодий ҳудуднинг иқтисодий (бозорли) имкониятини юзага келтиради. Бу ерда ҳудуд неокласик назарияга кўра стационар мувозанатни таъминлашга хизмат қиласиган буғун сифатида бўлиб, иқтисодий салоҳиятни ривожланишини эса ишлаб чиқариш омиллари (ер, меҳнат, капитал, тадбиркорлик қобилияти) таъминлайди⁸.

Ҳудуд салоҳияти тушунчаси ҳудуднинг таркибий элементларини юзага келтирувчи салоҳиятлар тизимидан иборат. У ялпи иқтисодий салоҳият дея эътироф этиладиган: табиий-ашёвий, моддий, илмий-техникавий, институционал ва инсоний салоҳиятларнинг йифидисидан ташкил топади⁹.

Шуни қайд этиш жоизки, ҳудудларнинг маъмурий-иктисодий бошқаруви сиёсатини юритишда иқтисодий салоҳият оқибат сифатида қаралади ва ундан самарали фойдаланиш билан ҳудуднинг келажакдаги мавқе аниқланади. Шунинг учун ҳам ҳудудларни бошқаришда иқтисодий салоҳиятни тўғри баҳолаш ва иқтисодий сиёсатни олиб боришида ундан дастак сифатида фойдаланиш билан боғлиқ бўлган илмий-услубий ишланмалар мазкур тадқиқот ишининг умумий методологиясини ташкил этади.

⁷ Акерман Е.Н., Михальчук А.А., Трифанов А.Ю. Типология регионов как инструмент соорганизации регионального развития // Вестник Том. гос. ун-та. Экономика. № 331. С. 126-131.

⁸ Шлычков В.В. Экономические механизмы управления ресурсным потенциалом // Вестник экономики, права и социологии. № 2. 2007.

⁹ Балацкий О.Ф. Теоретические проблемы оценки экономического потенциала региона, компаний, предприятий // Вестник Сумского гос. Ун-та. Экономика. 2004. № 9 (68). С. 84-95.

1-жадвал

Худуднинг иқтисодий салоҳиятини баҳолашнинг қўшимча параметрлари

Параметрлар	Худудларнинг иқтисодий салоҳиятини баҳолашнинг қисқача изохи
Жойлаштириш сигими	Худудда янги иқтисодий объектларни ташкил этиш имконияти ва/ёки мавжудларининг кенгайтирилиши. Кўрсаткич ресурсларнинг чегараланганлигини инобатга олган ҳолда белгиланади
Ресурслар чекланганлигининг самарадорлиги	Истиқболда худуднинг иқтисодий фаолиятини кенгайтиришда танланган ресурслардан бири тескари таъсири кўрсатадиган бўлса, шу ресурсга нисбатан юқори даражада чекловнинг ўрнатилиши
Ташкилий-иктисодий инновацияларга мойиллик	Худудларда мавжуд инфраструктура ва хўжалик юритиш тизимининг тавсифи
Инновацияларни қабул қилишга мойиллик	Худуднинг иқтисодий ривожланишини таъминлаш ва уни доимий равишда кузатиб бориш қобилиятининг мавжудлиги ва турли хилдаги инновацияларни қабул қилиш тамоили
Динамик сифатлари	Худудий тизимнинг ўзгармасдан туриши, ҳаракатсизлиги ва унинг структура ҳосил қилиш имконияти

Ушбу ички имкониятларнинг мавжудлигидан келиб чиқиб, давлат томонидан худудларни комплекс ривожлантириш ва у ерда истиқомат қилаётган аҳолининг фаровонлигини таъминлашга қаратилган ижтимоий-иктисодий дастурлар амалга оширилиб келинади. Бизнинг фикримизча, айнан, эндоғен омиллар ҳудуднинг иқтисодий ривожланишини таъминлашда муҳим ҳисобланади, аммо шу билан бирга, ҳудуднинг геоиктисодий жойлашувини ҳам эсдан чиқармаслик ва уни инобатга олиш лозим ҳисобланади.

Охирги ўн йилда олимлар томонидан ҳудуднинг ривожланишини жой ёки маконнинг шарт-шароитидан келиб чиқиб, “ҳудуднинг мекансал (фазовий) салоҳияти” деб тадқиқотлар олиб борилмоқда. В.П.Ефимовнинг таъкидлашича, “..агарда ҳудуднинг ривожланиши шу ерда мавжуд бўлган ресурсларни мекансал-ҳудудий ва тармоқлараро интеграция асосида тақсимланадиган бўлса, у ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий жиҳатдан самара беради”¹⁰.

Шунинг билан бирга олим ҳудуднинг ривожланишини таъминлашнинг замонавий йўлларини таклиф этади: кластер усули, иқтисодиётни

¹⁰ Ефимов В.П. Пространственный потенциал – основа развития региона в качестве целостного социально-экономического комплекса: Автореф. Дис.канд. экон. М., 2006. URL: <http://rudocs.exdat.com/docs/index-177000.html>

диверсификациялаш орқали рағбатлантириш; ҳудудлараро ички алоқаларни кучайтириш ва ички бозорни йўл-транспорт инфратузилмаларини ишга тушириш орқали ривожлантириш, ички имкониятлардан ва маҳаллий ресурслардан самарали фойдаланган ҳолда, ижтимоий меҳнат тақсимотини тўғри йўлга қўйиш; инвестицион дастакдан унумли фойдаланган ҳолда, инвестицион лойиҳаларни қўллаб-куватлаш усуллари.

Дунё мамлакатлари бўйича охирги 20 йилда тўғридан-тўғри инвестицияларнинг ҳаракати, млрд. АҚШ долари ва фоизда¹¹

Кўрсаткичлар	Кириб келган ТТХИ					Чиқиб кетган ТТХИ				
	1996	1997	1998	1999	2000	1996	1997	1998	1999	2000
Дунё мамлакатлари бўйича, хусусан:	384,9	477,9	692,5	1075,0	1270,8	391,6	466,0	711,9	1005,8	1149,9
- Ривожланган мамлакатлар	219,7	271,4	483,2	829,8	1005,2	332,9	396,9	672,0	945,7	1046,3
- Ривожланаётган мамлакатлар	152,5	187,4	188,4	222,0	240,2	57,6	65,7	37,7	58,0	99,5
- Ўтиш даври мамлакатлари	12,7	19,2	21,0	23,2	25,4	1,0	3,4	2,1	2,1	4,0
	2001	2002	2003	2004	2005	2001	2002	2003	2004	2005
Дунё мамлакатлари бўйича, хусусан:	817,6	716,1	557,8	742,1	982,6	721,5	652,1	561,1	877,3	882,1
- Ривожланган мамлакатлар	571,5	547,8	358,5	418,8	619,1	658,0	599,9	514,8	745,9	745,6
- Ривожланаётган мамлакатлар	219,7	155,5	175,1	283,0	332,3	59,8	47,7	35,6	117,3	122,1
- Ўтиш даври мамлакатлари	26,3	12,8	24,1	40,2	31,1	3,5	4,5	10,7	13,9	14,3
	2006	2007	2008	2009	2010	2006	2007	2008	2009	2010
Дунё мамлакатлари бўйича, хусусан:	1463,3	2002,7	1818,8	1186,4	1388,8	1415,0	2272,0	1999,3	1101,3	1319,9
- Ривожланган мамлакатлар	981,8	1319,9	1032,4	652,3	699,9	1152,0	1890,4	1599,3	819,6	983,4
- Ривожланаётган мамлакатлар	427,1	589,4	668,7	463,6	625,3	239,3	330,0	338,3	234,5	358,0
- Ўтиш даври мамлакатлари	54,3	93,3	117,7	70,5	63,6	23,7	51,6	61,6	47,2	50,4
	2011	2012	2013	2014	2015	2011	2012	2013	2014	2015
Дунё мамлакатлари бўйича, хусусан:	1566,8	1510,9	1427,1	1277,0	1762,1	1557,6	1308,8	1310,6	1318,4	1474,2
- Ривожланган мамлакатлар	817,4	787,3	680,2	522,0	962,5	1128,0	917,8	825,9	800,7	1065,1
- Ривожланаётган мамлакатлар	670,1	658,7	662,4	698,5	764,6	373,9	358,8	408,8	445,5	377,9
- Ўтиш даври мамлакатлари	79,2	64,7	84,5	56,4	34,9	55,6	33,1	75,7	72,1	31,1

¹¹ 1996-2016 йиллар бўйича чоп этилган Жаҳон инвестиция хисоботлари (World Investment Report) асосида тузилган. www.unctad.org

1990 йиллардан бошланган халқаро молия бозорларининг интеграциялашуви жараёни натижаси ўлароқ **ТТХИ** ҳаракатида сезиларли жонланиш кузатилди.

2-жадвал

Ялпи худудий маҳсулот ва асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажми, 2000-2015 йй.¹²

Кўрсаткичлар	2000 йил				
	ЯИМ (худудлар бўйича ЯХМ), млрд.сўм	Асосий капиталга киритилган инвестициялар, млн.сўм	Жон бошига инвестиациялар, минг сўм	Бухоро	Жиззах
ЯИМ (худудлар бўйича ЯХМ), млрд.сўм	2 601,9	405,1	22 797 277,4	97 929,3	3 255,6
1 894,8	363,3	1 168 845,3	2 760,1	543,4	15 338 698,7
2 376,7	224,0	1 158 229,5	5 805,1	1 203,3	62 388,3
3 168,8	701,3	2 277 748,4	5 713,9	214,8	458 522,0
1 787,1	300,2	678 485,4	2 378,4	2 034,7	552 517,4
2 161,9	542,6	2 875 905,7	8 704,9	1 172,5	3 461,0
4 211,6	972,2	1 625 740,2	5 603,5	2 273,5	3 901,1
1 980,2	164,5	758 698,7	4 171,1	3 093,9	2 069 143,9
2 309,1	218,2	1 383 259,6	6 317,9	1 489,5	1 690 377,7
2 131,7	199,7	845 524,7	4 181,7	1 307,5	1 690 377,7
2 570,1	446,2	628 312,4	2 050,3	1 593,3	1 690 377,7
2 813,8	369,2	1 872 366,6	10 183,2	1 739,3	1 690 377,7
2 223,5	222,7	1 390 937,7	7 082,9	1 363,3	1 690 377,7
2 501,5	225,7	700 103,4	3 326,8	1 632,1	1 690 377,7
5 203,4	1 236,4	5 433 120,0	14 306,3	3 338,8	1 690 377,7
3 163,6	948,8	28 694 635,9	120 861,5	2 133,3	611,9
2 216,9	1 370,0	2 361 946,5	3 398,8	1 551,8	527,9
2 906,5	463,1	1 287 827,8	7 334,6	1 969,3	302,0
3 846,2	1 647,4	2 871 578,5	6 384,4	2 582,1	1 172,9
2 212,6	832,9	1 012 723,1	2 930,3	1 495,1	398,1

Кўрсаткичлар	2010 йил				
	ЯИМ (худудлар бўйича ЯХМ), млрд.сўм	Асосий капиталга киритилган инвестициялар, млн.сўм	Жон бошига инвестиациялар, минг сўм	Бухоро	Жиззах
ЯИМ (худудлар бўйича ЯХМ), млрд.сўм	2 601,9	405,1	22 797 277,4	97 929,3	3 255,6
1 894,8	363,3	1 168 845,3	2 760,1	543,4	15 338 698,7
2 376,7	224,0	1 158 229,5	5 805,1	1 203,3	62 388,3
3 168,8	701,3	2 277 748,4	5 713,9	214,8	458 522,0
1 787,1	300,2	678 485,4	2 378,4	2 034,7	552 517,4
2 161,9	542,6	2 875 905,7	8 704,9	1 172,5	3 901,1
4 211,6	972,2	1 625 740,2	5 603,5	2 273,5	2 069 143,9
1 980,2	164,5	758 698,7	4 171,1	3 093,9	1 690 377,7
2 309,1	218,2	1 383 259,6	6 317,9	1 489,5	1 690 377,7
2 131,7	199,7	845 524,7	4 181,7	1 307,5	1 690 377,7
2 570,1	446,2	628 312,4	2 050,3	1 593,3	1 690 377,7
2 813,8	369,2	1 872 366,6	10 183,2	1 739,3	1 690 377,7
2 223,5	222,7	1 390 937,7	7 082,9	1 363,3	1 690 377,7
2 501,5	225,7	700 103,4	3 326,8	1 632,1	1 690 377,7
5 203,4	1 236,4	5 433 120,0	14 306,3	3 338,8	1 690 377,7
3 163,6	948,8	28 694 635,9	120 861,5	2 133,3	611,9
2 216,9	1 370,0	2 361 946,5	3 398,8	1 551,8	527,9
2 906,5	463,1	1 287 827,8	7 334,6	1 969,3	302,0
3 846,2	1 647,4	2 871 578,5	6 384,4	2 582,1	1 172,9
2 212,6	832,9	1 012 723,1	2 930,3	1 495,1	398,1

Кўрсаткичлар	2012 йил				
	ЯИМ (худудлар бўйича ЯХМ), млрд.сўм	Асосий капиталга киритилган инвестициялар, млн.сўм	Жон бошига инвестиациялар, минг сўм	Бухоро	Жиззах
ЯИМ (худудлар бўйича ЯХМ), млрд.сўм	2 601,9	405,1	22 797 277,4	97 929,3	3 255,6
1 894,8	363,3	1 168 845,3	2 760,1	543,4	15 338 698,7
2 376,7	224,0	1 158 229,5	5 805,1	1 203,3	62 388,3
3 168,8	701,3	2 277 748,4	5 713,9	214,8	458 522,0
1 787,1	300,2	678 485,4	2 378,4	2 034,7	552 517,4
2 161,9	542,6	2 875 905,7	8 704,9	1 172,5	3 901,1
4 211,6	972,2	1 625 740,2	5 603,5	2 273,5	2 069 143,9
1 980,2	164,5	758 698,7	4 171,1	3 093,9	1 690 377,7
2 309,1	218,2	1 383 259,6	6 317,9	1 489,5	1 690 377,7
2 131,7	199,7	845 524,7	4 181,7	1 307,5	1 690 377,7
2 570,1	446,2	628 312,4	2 050,3	1 593,3	1 690 377,7
2 813,8	369,2	1 872 366,6	10 183,2	1 739,3	1 690 377,7
2 223,5	222,7	1 390 937,7	7 082,9	1 363,3	1 690 377,7
2 501,5	225,7	700 103,4	3 326,8	1 632,1	1 690 377,7
5 203,4	1 236,4	5 433 120,0	14 306,3	3 338,8	1 690 377,7
3 163,6	948,8	28 694 635,9	120 861,5	2 133,3	611,9
2 216,9	1 370,0	2 361 946,5	3 398,8	1 551,8	527,9
2 906,5	463,1	1 287 827,8	7 334,6	1 969,3	302,0
3 846,2	1 647,4	2 871 578,5	6 384,4	2 582,1	1 172,9
2 212,6	832,9	1 012 723,1	2 930,3	1 495,1	398,1

Кўрсаткичлар	2014 йил				
	ЯИМ (худудлар бўйича ЯХМ), млрд.сўм	Асосий капиталга киритилган инвестициялар, млн.сўм	Жон бошига инвестиациялар, минг сўм	Бухоро	Жиззах
ЯИМ (худудлар бўйича ЯХМ), млрд.сўм	2 601,9	405,1	22 797 277,4	97 929,3	3 255,6
1 894,8	363,3	1 168 845,3	2 760,1	543,4	15 338 698,7
2 376,7	224,0	1 158 229,5	5 805,1	1 203,3	62 388,3
3 168,8	701,3	2 277 748,4	5 713,9	214,8	458 522,0
1 787,1	300,2	678 485,4	2 378,4	2 034,7	552 517,4
2 161,9	542,6	2 875 905,7	8 704,9	1 172,5	3 901,1
4 211,6	972,2	1 625 740,2	5 603,5	2 273,5	2 069 143,9
1 980,2	164,5	758 698,7	4 171,1	3 093,9	1 690 377,7
2 309,1	218,2	1 383 259,6	6 317,9	1 489,5	1 690 377,7
2 131,7	199,7	845 524,7	4 181,7	1 307,5	1 690 377,7
2 570,1	446,2	628 312,4	2 050,3	1 593,3	1 690 377,7
2 813,8	369,2	1 872 366,6	10 183,2	1 739,3	1 690 377,7
2 223,5	222,7	1 390 937,7	7 082,9	1 363,3	1 690 377,7
2 501,5	225,7	700 103,4	3 326,8	1 632,1	1 690 377,7
5 203,4	1 236,4	5 433 120,0	14 306,3	3 338,8	1 690 377,7
3 163,6	948,8	28 694 635,9	120 861,5	2 133,3	611,9
2 216,9	1 370,0	2 361 946,5	3 398,8	1 551,8	527,9
2 906,5	463,1	1 287 827,8	7 334,6	1 969,3	302,0
3 846,2	1 647,4	2 871 578,5	6 384,4	2 582,1	1 172,9
2 212,6	832,9	1 012 723,1	2 930,3	1 495,1	398,1

¹² Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

Кўрсаткичлар		ЯИМ (худудлар бўйича ЯХМ), млрд.сўм	35 233 314,2	145 846,4	ЎзР
Асосий капиталга киритилган инвестиациялар, млн.сўм	Жон бошига инвестиациялар, минг сўм				
3 583,3	1 145,5				
2 547,3	2 239,0	3 917 789,1	4 157,3	КР	
3 297,9	502,6	1 423 058,5	8 728,5	Андижон	
4 317,5	1 924,6	3 408 334,6	7 701,6	Буҳоро	
2 579,5	838,5	1 038 487,9	3 500,3	Жиззах	
2 946,5	1 531,6	4 483 189,2	11 470,7	Кашкадарё	
5 794,3	1 822,1	1 653 042,9	7 931,3	Навоий	
2 744,1	640,0	1 618 714,1	6 340,7	Наманган	
3 129,4	645,9	2 247 785,5	10 278,8	Самарқанд	
2 945,9	574,1	1 339 519,1	6 616,8	Сурхондарё	
3 694,6	1 203,5	927 177,7	3 012,2	Сирдарё	
3 940,1	1 364,6	3 741 862,7	14 946,2	Тошкент	
2 974,0	585,1	1 998 400,5	10 706,6	Фарғона	
3 489,9	862,7	1 466 493,1	5 061,0	Хоразм	
7 301,8	2 527,2	5 969 459,5	21 812,1	Тош.ш	
3 928,8	1 331,4	41 670 469,5	171 369,0	ЎзР	
2 860,4	3 334,5	5 925 659,1	4 485,9	КР	
3 444,2	575,9	1 660 967,7	10 676,0	Андижон	
4 614,3	2 147,4	3 866 053,1	9 488,1	Буҳоро	
2 926,4	871,7	1 101 084,8	3 897,1	Жиззах	

